

АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН ЖОН!



Аввал хабар берганимиздек, 2-7 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида "Ёш ватандошлар халқаро анжумани" бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари Ўзбекистоннинг турли ташкилотлари, муассаса ва хўжаликлари,

билим юртлари, ижодий уюшмалари фаолияти, ёшлар ҳаёти билан танишдилар. Қўхна ва навқирон шаҳарлар — Самарқанд ҳамда Бухорода меҳмон бўлишди. Ишбилармон ва тadbиркорлар, ижодкор ёшлар ва зиёлилар билан дилдан суҳбатлашдилар.

Анжуман ташкилотчиси — Ёшлар Иттифоқининг бу дийдорлашув Ўзбекистон эртаси учун муҳим хизмат қила олишига ишончи комил.

"...бизнинг ниятимиз — бизга Ватан бўлган бу муқаддас тупроқ сизга ҳам Ватан бўлиб қолсин" — деди Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Адҳамжон Орзиматов анжуманнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида.


6 ноябрь кунини эса ёш ватандошларнинг биродарлик анжумани тантанали ёпилди. Ёпилиш маросимида унинг иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга мактуб йўллашди. Унда ушбу тарихий анжуманнинг рўёбга чиқишида берилган кўмак учун миннатдорчилик билдирди. Ёш ватандошларнинг халқаро анжумани иш-

тирокчилари Ўзбекистон ёшларига ҳам Мурожаат эълон қилишди.

Шунингдек, ҳар бир миллат, халқ ва давлатнинг келажаги ва умиди ёшлар эканлигини таъкидлаб, анжуман қатнашчилари Аҳднома қабул қилдилар. Унда анжуман ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини асосан амалга оширди, шартнома ва аҳдлашувлар муштараклиги сабаб бундай учрашувларга анъанавий тус бериш керак, деган қарорга келинди. Аҳдномада келгуси учрашувларни уюштириш, хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқани тиклаш ва ривожлантириш ҳамда уларнинг Ўзбекистонда бўлиши билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи негизда алоҳида жамғарма тузиш тўғрисидаги таклиф маъқуллангани ҳам айтиб ўтилган. Бу жамғармага ёш ватандошларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни, жаҳондаги илғор илмий ва иқтисодий салоҳиятларни Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлашга жалб этишни ўз олдига олий мақсад қилиб қўйган ҳар қандай ташкилот, корхона, жамоат бирлашмаси ва алоҳида шахслар жамғармага аъзо бўлишлари мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Анжуман тугади. Аммо бу учрашувлар, бу дийдорлашувлар бесамар кетмайди. У шу Ватан, шу юртнинг равнақи, ёрқин келажаги учун хизмат қилади.

Муҳаммад
ЗОКИР
(Саудия
Арабистони).




У ЁҚЛАРГА ҚАЙТГИМ ЙЎҚ

— Биз ҳам қатагон йиллари кўп қатори ўз ота юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган, эндиликда унинг дийдорига ташна бўлиб яшаётган чет эллик ўзбеклармиз. Дастлаб Афғонистонга, ундан эса Саудия Арабистонига кўчиб ўтганмиз. Оилам, икки нафар фарзандим бор. Ўзим тижорат ишлари билан шуғулланаман.

Бизнинг фарзандларимиз араб тилида 12 йил илм олишади. Бўш вақтларида шуғулланадиган бирор тўғрак ёки маскан йўқ. Доимо олдимизда майда-чуйда юмушларимизга қарашиб, ўралашиб юришади.

Ўзбекистонга иккинчи бор келишим. Бу гал қадрдон юртимизни бир бора кўриш илинжида юрган кекса онамни ҳам олиб келдим. Бу дийрда ўзимни худди ўз уйимда юргандек эркин ҳис қиляпман. Шу боис бўлса керак, у ёқларга қайтгим йўқ...

Жевжет
СЕЙХАН (АҚШ) —
“Америка овози”
радиоккомпаниясининг
ходими, суҳандон.



ТАРИХИМИЗНИ ҚАЙТА ЎРГАНИШСА...

— Ота-боболаримиз асли андижонлик. 1960 йилларда Истамбулга кўчиб келганмиз. Ота-онам ҳозир ҳам ўша ерда яшаши. Мен эса — Амриқода.

У ердаги болалар ҳаёти ҳақида гапирадиган бўлсам, таълим-тарбия тўғрисида тўхталмасдан илож йўқ. Бизларда ҳам маориф системаси жорий қилинган. Мактабларда ўқишлар инглиз тилида ўқитилади. Фарзандларимиз эса ўзбек тилини уйларида — ота-оналаридан ўрганишади. Биз, катталар, болаларга ўз тилимизда гапириш билан биргаликда, уларни миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз билан ҳам таништира борамиз. Кейинги пайтларда, аксарият ёшларимиз турк тилида сўзлашади. Ўзимизнинг “Туркистон” деб номланган уюшмамиз бор. Унинг қошида “Умид” номли ойнома ҳам чиқариб турамиз. Бу ойнома инглиз тилида бўлгани билан, асосан ўша ердаги туркистонликларнинг болалари ҳаёти ҳақида хикоя қилади. Фольклор, ёш адиблар гуруҳларимиз ҳам бор.

— Сир бўлмаса, у ердаги Туркистон болалари орасида жиноятчилик даражаси қандай? — деган саволимизга жаноб Жевжет Сейхан ҳайратомуз савол билан жавоб қилди:

— Қандай жиноятчилик тўғрисида гапиряпсиз? Бизнинг фарзандларимиз орасида жиноятчилик ҳолатлари умуман бўлмайди. Бу нарсаси “туркистонликлар” деган номга иснод-ку, ахир?!

— Ўзбекистон болаларига қандай тилакларингиз бор?

— Кичик ҳамюртларимга ягона тилагимиз: халқимиз тарихини бошқатдан ўрганишсин. Амриқога Ўзбекистондан борган кўплаб ёшлар билан суҳбатлашганимда шу нарсаси амин бўлдимки, улар халқимиз тарихини нотўғри талқин этишар экан. Бу, албатта, коммунистик мафкуранинг таъсири бўлса керак. Истардимки, Ўзбекистон болалари ўтмиш тарихимизни қандай бўлса, шундай ўрганишсин. Ўтмишнинг яхши билмаган халқнинг келажаги ҳам йўқ, деб бежиз айтилмаган-ку!

МИЛИЦИЯ ВА БОЛАЛАР



«Тонг юлдузи»га
обуна давом
этмоқда.

Обуна баҳоси:

Бир йилга — 96 сўм.

Олти ойга — 48 сўм.

Уч ойга — 24 сўм.

Бир ойга — 8 сўм.

Нашр кўрсаткичимиз — 64563.

Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов тумани ички ишлар бўлимининг болалар назорати инспекцияси бўлинмасида 20 дан зиёд милиция ходими хизмат қилади. Бўлинма бошлиғи, милиция катта лейтенанти Абдуназар Шералиев “касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган осонроқ” деган нақлни ўзига қонун қилиб олганлардан. Шу боис болалар орасидаги жиноятчиликни олдини олиш мақсадида улар билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб туради. Тушунтириш ишлари олиб боради. Бўш қолган болаларни ижон қадар фойдали меҳнатга жалб қилишга интилади. Қолаверса, бошқалардан ҳам шуни талаб қилади. Шунинг учун тумандаги мактабларга, маҳаллаларга, маданий марказларга, кинотеатрларга бириктирилган милиция ходимларининг у ерларда тез-тез бўлиб туришлари, ота-оналар ҳамда ўқитувчилар билан суҳбатлар уюштиришлари одатий холга айланиб қолган.

СУРАТДА: А. Шералиев ўсмирлар даврасида.

Р. АЛЬБЕКОВ сурагга туширган.



“МАЛОДЕС” БОЛА...

Яқинда кўп қаватли уйларга кўчиб ўтдик. Маҳаллада яшаб ўрганган одам бир-бирини яхши танимайдиған, ҳар ким ўз ҳолича бўлган бундай жойга кўникиши қийин экан. Менда ҳам шундай бўлди. Маҳаллада болалар гавжум, ҳамма биргаликда ўйнар эди. Бу ерда эса...

Зерикиб пастга, ҳовлига чиқиб ўтирган кунларимдан бирида Ўткир исмли бола билан танишиб қолдим. У доим кечки пайтлар зинага чиқиб ўтиради. Сабабини сўрасам айтмасди. Кўп хаёл сурарди. Мен эса унинг нега шундай хаёлларга берилишини билолмай ҳайрон бўлардим. Кейин билсам у ўзи орзулаган ҳаётни ана шу хаёл сурган дамларда тасаввур этар экан:

— Бир куни дадам билан шаҳар марказига бордик, — дерди у. — У ерда катта учар шар бор экан. У бизни биласанми қаерга олиб борди?..

Кейин у тўқишга тушарди...

Аввалига онам бу дўстликка қаршилиқ кўрсатмадилар. Ўткир баъзан бизникига кирадиган, кечки пайт бирга овқатланадиган бўлди. Лекин вақт ўтиши билан негадир онамга бизнинг дўстлигимиз ёқмай қолди. “Кирмасин, ўйнама” дейдиган бўлдилар. Сабабини эса айтмадилар. Биз эса бир-биримиздан ажралгимиз келмасди. Ҳар иккимизнинг уйимизга киришга рухсат бўлмагач, Ўткирнинг энг севимли жойи — зинада гаплашиб ўтирадиган бўлдик. Бир куни уларнинг хонадони эшиги зарб билан очилди-ю, ичкаридан басавлат бир киши оёғида аранг туриб, чиқиб келди.

— Ҳа, шоввоз, ўтирибсанми? Малодессанда ўзи, — дея Ўткирнинг бошини силамоқчи бўлди. Ўткир бир юлқиниб, унинг қўлини силтаб ташлади. Эшик олдида эса унинг онаси турарди. Сочлари тўзиган, халатининг олди чала ёпилган бу аёл Ўткирнинг қилган ишидан жаҳли чиқиб қарганди. Ўзини зўрга ушлаб турган Ўткир зинадан югуриб тушиб кетди.

Мен унга зўрга етиб олдим. У кўз ёшларини тўхтатолмас эди. Иккимиз ҳоли жойга бориб ўтирдик. У бироз ўзини босиб олгач, дардини ёзди:


— Отамнинг ташлаб кетганига анча бўлган. Бунга онам сабабчи. Ишга кетдим, деб кеч келарди. Доим маст ҳолда қайтарди. Бунга отам чидай олмади. Мени ҳам олиб кетинг, деб ялиндим. Аммо судда мени онамга ажрим қилишди. Ўша ўша уйимизга ҳар хил эркаклар келади...

Менга энди ҳаммаси аён бўлди: нимага Ўткир кечки пайт зинага чиқиб ўтиришию, онамнинг дўстликка нима учун қарши эканлигини тушундим...

— Энди сен ҳам мен билан ўйнамайсан-а?

Ўткирнинг овози хаёлимни бўлди. Мен унинг бу саволига жавоб беришга қийналар эдим...

И. ЗИКРИЛЛАЕВ.
Фаргона шаҳри.



Инсон борки, унинг дарди, изтироби, қувончлари бўлади. Муҳарририятимизга ана шундай дил изҳори билан мактублар келаётгани бизни қувонтиради. Чунки, болалар ҳам, катталар ҳам биздан наинки кўмак, озроқ маънавий суянч ҳам қидиришади, ўз дардларини ёзиб, “енгилашишади”. Биз бу мактуб эгаларига қўлимизда келган маслаҳатимизни берамиз. Бугун ҳам ана шундай кўнгил дафтари варақларидан бир нечасини сиз, газетхон ўқувчилар диққатига ҳавола этаёلمиз. Уларни ўқиб, сизда ҳам фикр туғилса, бизга мактуб йўлланг.

“КОЛБАСАМИ БУТЕРБРОДГА КЭП ҚОЛМИНГ!”

Синфдошим Ойбекнинг дадаси шаҳар марказидаги ошхоналарнинг бирида “шеф”. Шунинг учунми куйи синфларда ҳам у доим тушлик учун мазали, чиройли кути, коғозларга ўралган ширинлик келтирар ва бизга кўз-кўз қилиб, еб ўтирар эди. Еб бўлгач эса ўша кути, коғозларни бизга “тақдим” этарди. Ойбекка кўпчилик ҳавас қиларди. Дилида уни еқтирмаса ҳам сўйкалиб юрадиган синфдошларим ҳам бор эди.

Йиллар ўтди. Биз юқори синфларга кўчдик. Болаларнинг савдо-сотиқ билан шуғулланиши, ишлаб пул топиши мумкин бўлган пайтга тўғри келди бу давр. Бу

эса Ойбекка ўхшаганлар учун кенг имконият яратди. Чунки...

Ҳозир Ойбекни танимайсиз. У мактабга наинки китоб ўқигани ёки билим олгани, балки “бизнес” қилиш учун келади. Танаффус пайтлари унинг атрофи ўқувчилар билан тўлиб кетади. У эса виқор билан каттагина сумкасини очади-да, савдони бошлайди. Дудланган колбаса қўйилган нонни қайнатилган колбасали нонга нисбатан қимматроқ қилиб сота бошлайди. Дамбадам эса “Навбати билан келинлар”, деб қўяди. Ўқитувчилар ҳам Ойбекнинг харидори...

Билмадим, балки бу савдонинг ҳеч қандай ёмон томони йўқдир. Аммо менинг

нимагадир барибир гашим келади. Зинҳор, Ойбекнинг пулдор бўлиб кетаётгани ёки савдоси юришгани, бу эса менинг қўлимдан келмаётгани учун, деб ўйламанг. Мени ташвишга солаётгани — бировнинг ҳаққи — ахир Ойбек бу колбасаларни ўзи уйда тайёрламайди-ку?! У қайсидир емакхонадаги харидорлар учун сотилиши керак, менимча. Балки ноҳақдирман, аммо болаларни савдо-сотиққа аралаштириб, бировнинг ҳаққи, насибасидан қўрқмайдиган қилиб қўйишди чоғи катталар!?

Д. АҲМЕДОВ.
Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани.

СУРАЛАРДА ЭЗГУЛИК УЛУҒЛАНАДИ

Кейинги пайтларда шаҳримиз кўчаларида оқ рўмоллар ўраб юрадиган тенгдош дугоналаримизнинг кўплаб учраб туриши ҳеч биримизни ажаблантирмай қўйди. Дугонам Шарифа ҳам ана шундай мадрасада таҳсил олаётган қизлардан. Қадимий ўзбек ёзувиге қизиқиши орта борган Шарифанинг орзулари ўтган йили ушалди. У ота-онасининг маслаҳати билан мактабда ўқиш билан биргаликда, отин ойилардан ҳам сабоқ ола бошлади. Шу қисқа фурсат ичида, қадимги ўзбек ёзувини, сураларни қироат билан ўқий оладиган дугонам Шарифага кўпгина қизларнинг ҳаваси келади.

— Сураларнинг мазмуни қандай? — сўрайман қизиқиб Шарифадан. — Уларда нималар ҳақида фикр юритилади.

— Сураларда ёмонлик, ёвузлик, бемехрлик каби иллатлар қораланади. Инсонийлик, ҳоллолик, поклик, меҳр-оқибат улуғланади...

Дугонам Шарифанинг сўзларини диққат билан тинглар эканман, унинг мурғак қалбиде поклик, инсонийлик гўнчаси ниш ураётганига яна бир бор амин бўлдим. Унга ўхшашни жуда-жуда истайман.

Бинобар ТЕМИРОВА.
Тошкент шаҳри.



Бугун синфимизда ота-оналар мажлиси. Ичкарида биз ҳақимизда нималар дейишпаётган экан-а?

Р. АЛБЕКОВ. олган сурат.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Синфимиз қизлари икки гуруҳга бўлиниб олишган. Ўзи унчалик кўпчилик эмасмиз. Шунинг учун ҳам бу гуруҳбозликнинг таъсири жуда ёмон сезилар экан. Аслини олганда бу беъманилик давримиз иллати — мол-дунё, кийим-кечак, бойликка ўчликдан бошланди. Туманимизда Хитой Халқ Республикасининг Уйғур туманида истиқомат қиладиган қариндошлари бўлган аҳоли кўп. Ёзда синфдошларимизнинг кўпчилиги чақирув коғозлари билан ўша ерга ота-оналари билан бориб келишган. Орамиздаги ноиттифоқлик ҳам ана шундан келиб чиқди. Улар энди фақат чет эл кийимларини киядиган, тақинчоқлар тақадиган бўлишди. Бундай нарсалари бўлмаганларни эса менсимай қўйишди. Ҳозирча кийим, тақинчоқлар билан иноқликни “ўлчаёلمиз”. Кейинроқ нима бўлишини тасаввур ҳам қила олмайман.

Д. ДОВУРОВА,
Андижон вилояти, Пахтабод тумани.

“Бола, бошидан” дейишади. Аммо ҳозир болаларга бошидан яхши тарбия беришяптимиз? Яқинда метрода уйга қайтаётган эдим. Беқатдан бир гуруҳ болалар чиқишди. Улар вагонга киришди-ю, бу ерда улардан бошқа ҳеч ким йўқдай эркин тута бошлашди ўзларини. Деярли ҳаммаси писта чақипиб пўчоқларини ерга ташлашар эди. Оғизларидан чиқаётган хунук гап-сўзларни айтмай қўя қолай. Кунда учраб турадиган ҳодиса, ҳамма бирдай эмас, дерсиз. Аммо, мени нафақат уларнинг ҳатти-ҳаракати, ижирганиб, жаҳли чиқиб ўтирганларнинг биронтаси ҳам уларни тарбияга қақаришмагани таъсирлантирди. Бир болага бутун маҳалла, ота-она, деган мақолга аввал амал қилинар эди. Энди бу унутилди, шекилли?!

Н. ВАЛИЕВА,
Тошкент шаҳри, 11-синф.

"Тонг юлдузи" кўрик-экспедицияси

"ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МЕНИНГ"

Азиз газетхон ўқувчилар! Ёдингизда бўлса, газетамизнинг 20 октябрь сониди ана шу сарлавҳа остида кўрик-экспедиция эълон қилган эдик. Тошкент шаҳрига уч кунлик бепул йўлланма совриндори бўлиш истагидаги кўплаб болалар унинг 1-босқич топшириқларига жавоб мактублари йўллашди. Бу мактублардан кўриниб турибдики, жумҳуриятимизнинг турли вилоятларида истиқомат қилаётган болалар ўз ўлкаларини чуқур ўрганиб, тарихий обидалар, қадимги урф-одатлар, миллий анганаларимизни ўрганиб боришар экан. Бу кўрик-экспедиция ҳакамлар хайъати ва таҳририятимиз аъзоларини жуда қувонтирди.

Шуни ҳам айтиб ўтмоқчимизки, мактуб йўллаганларнинг кўпчилиги саволларга тўла жавоб беришган бўлса-да, 1 босқич топшириқларининг энг асосийси — "Тонг юлдузи"га 1993 йил учун обуна бўлиш топширигини бажаришмаган. Бухоро вилояти, Вобкент туманидан Д. Сайидова, Наманган вилояти, Чуст туманидан М. Отажоновна, Тошкент вилояти, Паркент туманидан Г. Тўлаева каби бир қанча экспедиция иштирокчиларига даъвогарларнинг жавоблари бизга маъқул келди, аммо мактуб ичидан обуна варақчаси чиқмаганлиги учун улар ҳам 1 босқич топшириқлари тўла бажаришган, дея олмадик. Аммо, ҳали ҳам кеч эмас. Биз юқорида айтиб ўтган ўқувчилар ва улар каби 1 босқич топшириқларини тўла бажармаган болаларни тезлик билан обуна варақасини муҳарририятимизга юборишларини сўраймиз.

Бугун эса "Ўзбекистон — Ватаним менин" кўрик-экспедициясининг II босқич савол ва топшириқларини эълон қилар эканмиз, эслатиб ўтаемиз: экспедицияда иштирок этишни истаган барча ўқувчилар бундан кейин 15 декабрга қадар унинг ҳам I, ҳам II босқич топшириқларини тўла бажаришлари мумкин. Ёсингизда бўлса I босқич топшириқларида "Тонг юлдузи"га 1993 йил учун обуна бўлиш, жўгрофик крассвордни ечиш ва олти саволга жавоб йўллаш лозим эди.

Энди эса II босқич топшириқлари билан танишинг:

II босқич топширигининг энг асосий талаби ҳам биринчи босқичники сингари "Тонг юлдузи"га 1993 йил учун обуна бўлишдир.

2. Ушбу саволларга жавоб беринг:

а/ қадимда сув ва овқатларни муздай сақлаш учун қандай идиш ишлатилган?

б/ Ўрта Осиёнинг қайси шаҳарида бошқа мамлакатларга ҳам донғи кетган сифатли қорғоз ишлаб чиқарилган?

в/ Ўрта асрларда ишлатилган энг майда пул бирлигини биласизми?

г/ қадимда Ўрта Осиё халқларининг энг сеvimли ҳисобланган қандай безак тошларини биласиз?

Уларни халқ нима учун ёқтириб ишлатган?

д/ нима учун қадимги топилма, тошларда кўчқорнинг бош расми кўп учрайди?

е/ Ўзбекистондаги энг узун минорани биласизми?

Ўрта Осиёдагисини?

ж/ хон атлас ҳақидаги қандай ривоятларни биласиз?


Саволларга жавобни дарсликлардан эмас, кўшимча адабиётлардан, буvingиз, бувангиз, ота-онангиз, қариялардан сўраб билиб олинг.

3. Ушбу "Меъморчилик обидалари" бошқотирмасини ечинг:

Қуйида таърифланган номларини рақам ёзилган хонадан шаклга "занжир" ҳолида ёзиш билан бошқотирмани ҳал этинг. Бу билан Ўзбекистондаги меъморчилик ёдгорликларига оид билимингизни синаб кўрасиз.

1. Тошкентдаги XVI асрга мансуб ёдгорлик. 2. Самарқанднинг қадимий меъморчилик обидаси. 3. Олимлар томонидан кашф этилган Ўзбекистондаги хароба шаҳар. 4. Соҳибқирон Амир Темурнинг аёли номи билан аталувчи улкан ва маҳоватли бино. 5. Бинокорлик санъати. 6. Хивадаги меъморчилик обидаси. 7. Шарқнинг қадимий шаҳарларида бунёд этилган марказий майдон. 8. Ўйиб ёки бўёқ билан ишланган безак. 9. Самарқанднинг регистондаги обидаларидан бири. 10. Бинонинг олд томонидаги пештоқ ва устунлар билан безатилган кўркам қисми. 11. Ярим шар шаклидаги гumbаз. 12. Атоқли адиб Абдулла Қодирий таҳсил олган Тошкентдаги мадраса. 13. Атоқли давлат ва дин арбоблари қабри устига қурилган ёдгорлик. 14. Ўрта аср шарқи шаҳарларидаги муҳташам сарой. 15. Бинони ялтироқ, нақшин гишт билан безатиш санъати.

Ушбу топшириқлар бажарилган жавоб мактубларини 15 декабргача қабул қиламиз.



Кўрик-экспедиция саволларини Ўзбекистон тарихий обидаларини сақлаш Кўмитаси ходими Л. И. ЖУКОВА тайёрлаган.

Азиз муштарийлар! Ёдингизда бўлса, ушбу мақолага хотима яшашни сизларнинг ҳукмингизга ҳавола қилган эдик. Шу муносабат билан кўпчилигингиздан кўнчаллик билан ёзилган талайгина мактублар олдик. Уларда сиз Нусрат ака сингари инсонлардан нафратлангансиз, инсоф-диёнатга чақиргансиз. Зора, бу — тошбағир оталар кўнглини бироз юмшатса, дили оғриган фарзандлар қалбига таскин берса...

Қуйида ушбу мактубларнинг айримлари билан танишасиз.

КАЛТАК БИЛАН...

ЎЗИМ ота-онамдан но-лимайман. Уларни севиб, ҳурмат қиламан. Лекин мен Нусрат акаларники сингари бир оилани биламан. Отаси тўйдан кеч қайтиб, мени олиб келишга бормадинглар, дея ўғилларини тунги кийимда кўчага хайдаб солганини, уйга қайтсаларинг, ўлдираман дея ёнига ойболта олиб ётганлигининг гувоҳи бўлганман. Дунёда шундай фарзандларига шафқатсиз, бемехр инсонлар борлигидан нафратланаман. Газетадаги мақолани ўқидиму кўз олдимдан ўша манзара ўтди.

Баъзилар фарзандга зор бўлсаю, бундай одамлар хор қилса!

Юлдуз УМАРҚУЛОВА,
Самарқанд вилояти, Булунгур
туманидаги Фозил Йўлдош жамоа
хўжалиги.

...НУСРАТ аканинг ўз фарзандларига нисбатан қилган муомаласини ҳатто ўғай оталар ҳам қилишмаса керак. Мақолани хаяжон билан ўқиб

ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ

"ФАРЗАНДЛАРИМ МЕНДАН ҚЎРҚИШСИН"
МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ (Т.Ю." 6.10.92 й.).

чиққач, шундай фикрга келдим: Нусрат аканинг ота-онадан барвақт етим қолганлиги, кўп қийинчиликларни бошидан кечирганлиги учун болалари гуноҳкор эмас-ку, ахир!

Бундай инсонларга қарата: "Фарзандларингиз кўз ёшларини бекорга тўкманг, токи улар кўз ёшларини сизнинг қабрингиз устида тўка олишсин", дегим келади.

САНОБАРХОН.

Хоразм вилояти,

"Россия" жамоа хўжалиги.

МЕНИНГ ҳам 6 нафар фарзандим бор. Кўп йиллар ўқитувчилик қилганман. Ҳозирги пайтда Фориш тумани,

қотади", деганларидек, улар бетга чопар бўлиб улғайишади.

Тўқликка шўхлик хусусида тўхталсак, ҳозирги пайтда тўқлардан кўра, қорни тўйиб овқат емайдиганлар кўпроқдек. Келинг, болаларимизни бу борада бехудага айбламайлик. Яхшиси мулоҳаза қилиб кўрайлик: фарзандларимизга тўғри муносабатда бўлаялмизми? Уларни кўчаларга хайдаб қўймай, шундай тарбия қилайликки, токи ўзлари ҳам ота-она бўлишганда биз ҳақимизда яхши фикрда бўлишсин, бизлардан ибрат олишсин.

Муҳаббат ШЕРМАТОВА,
Жиззах вилояти,
Фориш тумани.

ОБУНА-93 * ОБУНА-93 * ОБУНА-93 * ОБУНА-93 * ОБУНА-93



Пойтахтимиздаги 22-мактаб ўқувчилари "Тонг юлдузи"ни севганларича бор экан. Чунки уларнинг 300га яқин нафари газетамизга обуна бўлишди.

СУРАТЛАРДА: 3-"В" синф ўқувчилари синф раҳбарлари Раҳима опа Жабборовна бошчилигида обуна бўлишди.

Тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Шоира опа Арслонова II-"В" синф ўқувчиларига обуна варақаларини топширмоқда.

Р. АЛБЕКОВ олган суратлар.



Farzandlarimiz ШУХРАТЖОН ҳамда АСҚАРЖОНларни туғилган кунлари билан самимий қутлаймиз. Уларга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Ҳурмат ва эҳтиром ила Акмал, Саноат.


АСАТОВЛАР оиласи.

Навоий вилояти, Нурота тумани, Янгиобод қишлоғи.



*** ТАБРИКЛАЙМИЗ! ***





Қутлаймиз!

Ўзбек китобхонлари Муҳаммад Алини иқтидорли шоир, моҳир таржимон, тарихнавис сифатида яхши билишади. Унинг дастлабки шеъри ўн беш ёшлигида эълон қилинган эди. Шундан бери шоирнинг йигирмадан ортиқ китоби нашр этилди. Бу китобларга "Оталар юрти", "Илҳом париси", "Соз", "Севсам", "Сен бир гулсан" каби

МУҲАММАД АЛИ — 50 ЁШДА!

асарлари, "Машраб", "Гумбаздаги нур" дostonлари, "Боқий дунё" (1977—79) шеърий романи киритилган.

Шунингдек, 1976 йилда қадимги ҳинд эпоси "Рамаяна" ни таржима қилди ва шу мавзуда 1992 йилда номзодлик илмий ишини ёқлади.

1990 йилда эса насрда ёзилган "Сарбадорлар" тарихий романини ўқувчиларга тўхфа қилди. Унда ёш Амир Темури тимсоли яратилган.

Бугун 50 ёшли тўйи нишонланаётган адиб — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти соҳиби Муҳаммад Алини биз ҳам кўп сонли муштарийларимиз номидан қутлаймиз ва ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

ТАҲРИРИЯТ.

ИККИ МАРТА УЯЛДИ

Ҳикоя

Ёзининг ўрталари эди. Малика қувона-кувона мактабдан бешинчи синф китобларини олиб келди. Кечкурун дадаси аясига бир гап айтганда эса қувончига яна қувонч қўшилди:

— Кишлоққа бориб келасизлар, аяси. Бир ҳафта туриб келинглари. Ўқиш бошланиб кетса, бу йил ҳам боролмай қоласизлар. Хозир мевалар гарқ пишди. Малика ҳам, Баҳодир ҳам тўйиб еб келишсин. У ёқда эналари ҳам жуда соғинишган... Мана, поездга патта олиб келдим.

Буни эшитиб Маликадан ҳам кўра унинг беш ёшли укаси Баҳодир хурсанд бўлиб кетди. Ўзини қўйгани жой тополмай, қийкириб, қаватли уйни бошга кўтаргудек сакрай бошлади.

Дадаси Маликаларни кечкурун вокзалдан поездга чиқариб қўйди. Баҳодир кўзини очганда, опаси аллақачон уйғониб, деразадан томоша қилиб борарди. Кулоғига вагондаги одамларнинг "Қўқондан ҳам ўтди" деган сўзлари чалинган бўлди. Юз-қўлини ювиб келгач, опаси енига ўтириб, у ҳам деразага тикилди.

— Ху ана тераклар... Кўрдингми? Ана олмасор... — тушунтирарди Малика. — Энди майсозлар бошланди. Ям-яшил ўтлоқда бир бузоқча ўтлаб юрарди. Баҳодир худди таниш нарсасини кўргандай қаттиқ қичқирди:

— Ур-ей!... Ана, мультфильм!... Вагондагилар унинг гапига қулиб юборишди. Аяси ҳам "Ойбо, сен-ей!", деб кулгидан тиркираб кетган кўз ёшларини артарди. Фақат Маликагина укасининг соддалигидан хижолат бўлиб, уялиб қолди. Лекин буни билдирмади:

— Мультфильм эмас, тентаквой, бузоқчанинг ўзи-ку! — деб қўйди, холос. Кишлоқда ҳам қизиқ бўлди. Бир кун эрталаб, энаси сигир соғаетган эди, Баҳодир чопиб бориб: — Ие, эна, — сўради хайрон бўлиб. — Сизлар сутни... сигирдан оласизларми?

— Ха, сигирдан оламиз, — энаси бепарво ишини давом эттирди. Сизлар қаердан оласизлар сутни?

— Бизлар сигирдан олмаймиз, — жавоб қилди Баҳодир. — Биз сутни уйимизнинг олдида келган машинадан оламиз...

Энаси бу гапни эшитиб, ишини ҳам қўйиб маза қилиб кулди.

Малика эса укасининг соддалигидан иккинчи марта хижолат бўлиб, яна ичида уялиб қўйди...

ОНАМЛАРНИНГ БАЙРАМИ

Онамларнинг юзиде Табассум кўрсам дейман.

Ҳар бир айтган сўзига Шай бўлиб турсам дейман.

Бугун турсам эрталаб, Катта байрам бўлибди.

Дарча-ю, танча олди Гуллар билан тўлибди.

Анов катта гулдаста Дадамларнинг совғаси.

Ановниси опамлар, Акамларнинг совғаси.

Байрам билан қутлай деб, Салом бериб онамга.

Оппоқ бодом дарчадан "Қўл" чўзади хонамга.

Мен ҳам, сизга айтсамми, Ғамимни еб қўйганман.

Онамларни қутлай деб Бешта "5" об қўйганман!

ҚЎГИРЧОҚНИНГ ОПАСИ

Беш ёшли Нарғизахон Қўғирчоғин излайди.

Аясини қўймасдан, "Топинг!", деб тигизлайди.

Аяси дер: "Бор, қизим, Каравотингни қара.

Ўйинчоқлар ичидан Топилиб қолса зора".

Қўғирчоқ эса бироқ Ҳеч қаерда йўқ эди.

Тополмасдан қизчанинг Кўзларига еш келди...

Кулиб дейди аяси: Дадагир опкелар янги.

Қўғирчоқ ҳам керакмас, Ўзинг — Қўғирчоқсан-ку!

"Йўқ, йўқ! — дейди Нарғиза, — Қилманг, мени хафа сиз!

Қўғирчоқ эмасман мен, Опасиман, опаси!"

Муҳаммад АЛИ.

"ЧЎЛПОН"НИНГ ЖАЖЖИЛАРГА СОВҒАСИ "БОҒЧАГА-ДЎМБОҚЧАГА"

Шоир Рауф Толиб ва Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги, Республика ўқув-методика марказининг мактабгача тарбия бўлимининг мудири Замира Абдурахимовалар биргаликда тўплаб, нашрга тайёрлаган, "Чўлпон" нашриёти томонидан 30 минг нусхада чоп этилган "БОҒЧАГА-ДЎМБОҚЧАГА" китобини шу йил ичида кичикинтойлар учун чиқарилган энг яхши китоблардан бири дегим келади.

Тўпламдаги асарларнинг мавзуси ранг-баранг бўлиб, улар асосан уч ёшдан етти ёшгача бўлган кичикинтойларга мўлжалланган.

Тўплам олти бўлимдан иборат бўлиб, ўзбек халқининг "Алла", "Офтоб чиқди оламга" сингари болалар кўшиқлари, "Икки эчки", "Қизғанчиқ ит" сингари эртаклари билан бошланади. Кичикинтойлар тўпламдан илк марта Алпомиш, Гўрўғли, Рустамхон сингари ажойиб дostonларимиз қаҳрамонлари билан ҳам танишишлари мумкин.

Таниқли суратчи Равиль Альбеков олган суратларга шоир Анвар Обиджон ёзган ўйноқи шеърлар ҳам ўқувчиларга манзур бўлиши шубҳасиз. Чунки, бу каби шеърлар (айтиш жоиз бўлса, "суратли шеърлар") илк маротаба ушбу тўламда чоп этилган.

Ўзбек ёзувчиларининг ҳикоя,

эрта ва шеърлари тўламнинг "Хўп ажойиб, хўп қизиқ..." бўлимига жамланган. Бу бўлимда жажжи болажонлар Ф. Мусаёнов, У. Қурбонов, Ҳ. Ёқубов, Ҳ. Раҳмат, Ў. Хошимов сингари кўплаб сеvimли шоирлари ва адибларининг асарлари ҳам жой олган.

Шуниси эътиборга молики, тўламдан ўзбек болалар шеърини бўстонида сўнги йилларда кириб келган Р. Назар, З. Исомиддинов, С. Иноят, М. Қодиров, Н. Душаев сингари шоирларнинг шеърлари ўрин олганки, бу китобхонларда оз бўлса-да, бугунги болалар шеърини ҳақида тасаввур бера олади.

Бир сўз билан айтганда, бу китоб "Чўлпон" нашриётининг мактабгача ёшдаги болалар ва уларнинг ота-оналари, тарбиячилари учун ажойиб совға, ажойиб қўлланма бўлиб қолади.

Тўламда ўз асарлари билан иштирок этган ижодкорлар қалам ҳақини нашриёт ҳисобига ўтказишга розилик берганликлари учун "Чўлпон" жамоаси ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

Абдурахмон АКБАР,
болалар шоири.



Доно ва зукко қизимиз ЗИ-ЁДАХОН!


Биз сени 11 ёшга тўлган кунинг билан чин дилдан қутлаймиз. Сенга узоқ умр, сийхат-саломатлик, ўқишларингда улкан зафарлар тилаймиз. Чехрангдан табассум аримасин!

Даданг, опанг, аканг
Иқболжон, опанг Иродахон,
синглинг Юлдуз.
Усмоновлар оиласи.
Фарғона вилояти, Данғара тумани.

Сени қутлаб: ойинг, даданг,
то ғаларинг.



Тошкент шаҳри.



Суюкли фарзандимиз НАРГИЗАЙ! 20 ноябрь — сен таваллуд топган кун. Шу кун 11 баҳорни қарши оласан. Қутлуг айеминг муборак бўлсин.

Тенгдошларинг орасида доимо хулқинг ва одобинг билан ажралиб туришингни истаймиз.

Эзгу ниятлар тилаб: даданг
Муҳиддин, аянг Санобар.
БўЛТАКОВЛАР оиласи.
Сирдарё вилояти, Оқолтин тумани.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



МАКТАБ ҲАЁТИДАН

ГАНС ЭНГ ЯХШИ ДЎСТ ИЗЛАЙДИ

Ганс синфдошларининг елкасини ушлаб деди:

— Сенинг елканг кенг экан, Клаус. Партамнинг олдида ўтир. Мен эса сенинг орқангга ўтираман.

БЕШТА ҲАЙВОН

Биология дарсида:
Ўқитувчи: — Чўл
хайвонларидан 5 тасини айт-чи?
— Бир шер ва тўрт туя, — деди Стефан.

ҚИСҚА ТАРИХ

Набира буvasига баҳоларини кўрсатар эди.

Бува: — Мен ўқувчилигимда тарихдан фақат аъло баҳолар олардим.

Набира: — Аммо, бува, у пайтда тарих анча қисқа бўлганда ахир.

ЎҚИШ МЕТОДИ

— Сен уй вазифаларини қай услубда бажарасан? — сўради Юрген дўсти Лотардан.

— Олдинига оsonларини, кейин қийинларини бажараман, — деди Лотар.

— Ҳаммаси қийин бўлса-чи?

— Унда футбол ўйнагани чиқиб кетаман.

Олмончадан
Б. Улуғбеков ўгирган.



Қаранг, шунақанги қовоқни кўрганмисиз?

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОВО.

Таҳрир ҳайъати:

Т. КАРИМОВ, А. КЎЧИМОВ, М. ПИРМАТОВ
(масъул котиб), М. РАҲИМБЕРДИЕВА,
Д. ТУРАХМЕТОВА, В. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Бизнинг манзилгоҳимиз:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ. 700083,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Маълумот учун телефон: 32-54-21

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.

Тошкент шаҳри. 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй
Чоп этиш вақти — 18.00.

Буюртма № Г-27. Нашр кўрсаткичи 64563.